



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

- 2 ▶ Таянч пунктлари — тинчлиги- миз таянчи!
- ▶ Қаламбекдан қолган из...
- 3 ▶ Қўйқирилганқалъа тарихи
- ▶ Пул васвасаси исканжасида
- 4 ▶ Эгасини топган "омонат"...
- ▶ Бахт ҳақида икки тушунча

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши 1 февраль кунининг биринчи мажлисини ўтказди. Мажлисда парламент куйи палатаси кўмиталарининг раислари, сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисини Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январьдаги қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Қонунчилик палатаси кўмиталарининг жамият-мизини янада демократлаштириш, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни чуқурлаштириш стратегиясига асосланган қонунчилик ва назорат-таҳлил ишларининг устувор йўналишларини қўриб чиқдилар. Шу билан бирга қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳамда уларни турли семинарлар, йиғилишлар, давра суҳбатларида теран ва ҳар тарафлама муҳокама қилиб пухталаб олишда сиёсий партиялар парламент фракцияларининг фаол иштирок этиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб бориш зарурлигига ҳам мажлисда алоҳида ургу берилди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси кўмиталари ва сиёсий партиялар парламент фракциялари ўз иш режаларини тузишда парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган асосий устуворликлар ва вазифаларга таянишлари лозимлиги ҳақида қарор қабул қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг самарали ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга қаратилган анъанавий «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг 2004 йилги ғолиблари аниқланди ва пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан ички ишлар вазир ўринбосари З.Бобокалонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Ғайдебоев Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидладилар.

МАҲАЛЛА ВА ТАЯНЧ ПУНКТИ

Сўнги йилларда ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган кен қўламадаги ислохотлар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, содир этилган жасолатларни фож этиш бораидаги излашлар, иш юритишнинг янги услублари ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ички ишлар идораларининг барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, милиция таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторларидан бошлаш, унга таяниши ва у билан ҳамкорликда иш олиб боришига эришилмоқда. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди. Ким нима билан нафас олаётганлигини, қандай қайфиятда эканлигини яхши билади. Маҳаллада бегона ва ниёти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади.

Шунинг учун ички ишлар идораларининг энг биринчи, қуйи бўғини бўлган маҳалла милиция таянч пунктларини ҳар томонлама етуқ, ҳақ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган, жонқур профилактика инспекторлари билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир маҳаллага, энг олис, чекка қишлоқ ва овуллари-мизгача халқ билан ишлайдиган, унинг дарди-ғамига, қувонч-ташвишларига шерик бўлишга, ҳамнафас бўлишга маънавий жиҳатдан қодир профилактика инспекторлари фаолият қўрсатишига эришиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла»-жамғармаси билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Ички ишлар тизимида олиб борилаётган ислохотлардан сўнг хизматда алоҳида ўрнатилган, ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб қаҳрамонлик

намуналарини кўрсатган 18 та профилактика инспекторлари ҳукуматимизнинг давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, халқимиз тинчлигини сақлаш йўлида хизмат бурчини бажариш пайтида мардлик, жасурлик намуналарини кўрсатиб халқ бўлган профилактика инспекторлари хотирасини эъзозлаш, номларини абадийлаштириш, уларнинг жасоратлари мисолида ёш ходимларни Ватанга, мустақиллик гоёларига, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маҳалланинг ҳам кўзи, ҳам қулоғи бўлган профилактика инспекторларининг зиммасига катта масъулият ва вазифалар юклатилмоқда. Чунки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ўз ишининг устаси бўлган профилактика инспектори ўзи хизмат қўрсатадиган ҳудуддаги барча фуқароларни, уларнинг юриш-туришларини, қандай иш билан шуғулланишларини, оилавий шароитларини жуда яхши билади. Профилактика инспекторининг энг асосий вазифаларидан бири маҳалла, мавзе, турар жойларда юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳамда криминоген вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш, алоқадор идоралар билан биргаликда тегишли таъсир қўрсатиш, булардан ташқари хизмат ҳудудида кенчаю кундуз фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибининг сақлашдир.

Мухтарам Президентимиз профилактика инспекторлари фаолиятига алоҳида эътибор бериб «Маҳаллада бирор ҳодиса рўй берса одамлар қайда боради. Кимга мурожаат қилади, албатта профилактика инспекторига. Шу боис, биз уларни энг аввало алоқа воситалари, шарт-шароитлари мавжуд бўлган хизмат хоналари билан таъминлашимиз керак» — деган эдилар.

2-саҳифага

Кексалик ташвишга

СИЗ ЖАМҒАРГАН ЖАМҒАРМА — келажакда сизга хизмат қилади!

Мазкур Қонун Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ешидаги фуқароларни моддий жиҳатдан янада қўлаб-қувватлаш, иш юритувчиларнинг ўз ходимларининг моддий аҳолини яхшилашдаги масъулиятини қўлайтириш, амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фароғатлари учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин тайёрлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, ушбу Қонун Республикасимиздаги фуқароларга кексалик даврини мароқли ўтказишга имконият яратади. Қонунчи амалга ошириш тартибига кўра, бу тизимда фуқаролар ихтиёрийлик ёки мажбурийлик шаклида иштирок этадилар.

2005 йил январь ойдан бошлаб меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида олиб бораётган ҳар бир фуқаро жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этиши мажбурий. Бу дегани, иш бевуҷи ўша фуқаронинг «Халқ банки»да очилган ҳисоб вараксига белгиланган маошнинг бир фоизини ўтказиб боради. Меҳнат шартномасисиз иш фаолиятини юритаётган тадбиркорлар, деҳқон хўжалиқлари аъзолари жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этиш ва унинг бадал тўлаш миқдорини

белгилашни ихтиёрий равишда амалга оширадилар. Демак, 2005 йилнинг январь ойидан бошлаб фуқароларнинг жойлардаги банк бўлимларидан ҳисоб варакалари очилди ва иш бевуҷи томонидан бу ҳисоб варакаларига бадаллар тушиб, тўловлар жамғариб борилади. Бу тўловларни фуқаро пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлгандан сўнг ихтиёрий равишда бирданги ёки фоиз билан олиши мумкин.

Фуқароларнинг бошқа бир мамлакатта кўчиб кетиши ёки вафот этиш ҳолатлари юзага келса, йиғилган жамғармалари тўлиқ оила аъзоларига берилади. Агар бошқа мамлакатта яшаш учун кўчиб кетадиган бўлса, ўзининг ҳисоб варакасидаги



ҳамкорликда фаолият юритишмоқда.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс» мухбири.

Мамлакатимизда ўтган йилнинг декабр ойда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.

Йиғилган маблағларни тўлиқ олиш ҳуқуқига эга. Қўнчилик фуқароларни Қонуннинг шу кунга қадар пенсия олаётган пенсионерларга тааллуқли томонлари қандайлиги қизиқтириши табиий ҳол, албатта. Ҳар бир фуқаронинг у пенсияга чиққани ёки чиқмагани буғунги кунга олаётган пенсиясига ҳеч қандай таъсир йўқ. Бу қўшимча бир даромад ҳисобланади. Яъни «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг жорий этилиши буғунги кунда амалда бўлган «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ҳеч қандай таъсир йўқ.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда Республика Молия, Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа мутасадди вазирликлар ҳамда ташкилотлар фаолият юритишмоқда.

Қашқадарё вилояти

БЎЛИНМАЛАРДА КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Шу кунларда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан жамғарманинг барча туман бўлимларида конференциялар бўлиб ўтиши режалаштирилиб, буғунгача қўлаб бўлинмаларда бу тадбир бўлиб ўтди.

Яқинда Чирокчи тумани бўлимида ҳам конференция бўлиб ўтди. Конференция кун тартибидан бўлима фаолиятининг ўтган 2004 йилдаги ҳисоботи биринчи масала қилиб қўйилди. Ҳисоботдан эса йилдаги фаолиятнинг ўзига хос томони — «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ижроси юзасидан бўлимнинг амалга оширган ишлари ўрин олди. Шундан сўнг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга ошириш бўйича режалар белгилаб олинди. Шу мавзуларда сўзга чиққан жамғарманинг вилоят бўлими раиси А.Сафаров, туман ҳокими ўринбосарлари А.Бозоров, У.Ҳатаева, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси У.Ҳамроевлар сўзга чиқиб, ҳисобот ва режалар юзасидан ўз фикр ва тақлифларини билдирадилар.

Конференцияда жамғарманинг туман бўлими раиси этиб А.Аслонов сайланди. М.ЛАТИПОВА

Профессионал бокс

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Темуր Иброҳимов 2000 йилдан буюн ўн еттита жанг ўтказиб, улардан ўн олтинчасини ўз фойдасига ҳал қилган, битта учрашувда дуранг натижа қайд этган.

ТЕМУР РИНГГА ЧИҚАДИ

Тему́р Иброҳимов учун 2004 йил анча сермахсул бўлди: саккиз мартаба рингга чиқди. Еттита жангда ғолиб бўлди. Америкалик Кевин Жонсон билан келган жангда Тему́р дуранг натижага эришди. Энг асосийси, у октябрда АҚШнинг Флорида штатидаги Бойтон-Бич шаҳрида ўтказилган жангда мезбонлар вакили Шон Робинсонни мағлубиятга учратиб, илк соврини — WBC Featherbox чемпионлик камарини қўлга киритди.

2005 йилда Тему́р Иброҳимов биринчи жангини 3 март кунини Нью-Йорк шаҳридаги Madison Square Garden спорт мажмуида ўтказди. У ўзи сингари кучли зарбага эга америкалик боксчи Роналд Беллами билан куч синашди. Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎзА.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Пенсияга қўшимча бўладиан жамғарма бўлади, — дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахрират манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93 Тел./Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тихорат мақолалари берилди.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.



АФРИКА ИТТИФОҚИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

Нигерия пойтахти Абужа шаҳрида Африка Иттифоқининг (АИ) навбатдаги саммити ўтказилди. Унда иттифоққа аъзо 53 мамлакатдан расмий вакиллар иштирок этиб, қитъадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш юзасидан музокара-лар олиб борди.

РАТА-ТАСС ахборот мажмааси хабарларига кўра, анжуманда АИ аъзолари ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик бўйича келишувга эришган. Ушбу келишув узок йиллардан буён Африка қитъасидаги айрим мамлакатларда давом этиб келаятган бечорорликка барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ливия расмийлари томонидан илгари сурилган АИ умумий армиясини тузиш таклифи эса мазкур келишувнинг муқобил варианти сифатида қабул қилинди.

Саммитда инсон ҳуқуқлари бўйича Африка суди ҳамда Африка олий судини бирлаштириш борасида бир тўхтамга келинди. Томонлар Сомалининг ички ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу мамлакатга иттифоқнинг тинчликпарвар кучларини юборишга ҳам келишиб олдилар.

Абужа учрашувида муҳокама этилган яна бир муҳим масала ОИТ-Сга қарши курашиш бўлди. Иттифоқ вакилларидан бири Адам Тиамнинг таъкидлашича, Африкада ҳар йили 6 мингдан зиёд одам ОИТС хасталиги туфайли ҳаётдан кўз юмаётти. Бундан ташқари, турли юкүмли касалликларнинг тарқалиши қитъадаги мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига тўсқинлик қилмоқда.

Иштирокчилар иттифоққа раислик қилиб келган Нигерия президенти Олусегун Обасанжонинг ваколатини 2006 йил январгача узайтиришга келишиб олди.

Акмал НАЗАРОВ,
УзА шарҳловчиси.

МАХАЛЛА ВА ТАЯНЧ ПУНКТИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада.)

Юртбошимизнинг юқоридagi эътибори ва кўрсатмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйи тизимлари маҳаллий ҳокимликлар, алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси ва маҳалла ҳомийлари билан ҳамкорликда республикада 3400 тадан ортиқ милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларга шинам, барча қўлайликларга эга бўлган хизмат хоналари, замонавий компьютер ва алоқа техникалари, хизмат автомобиллари ажратилмоқда.

Қишлоқ ва овул марказлари ҳамда маҳаллаларнинг аҳоли гавжум бўлган жойларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари эндиликда профилактика инспекторларидан ташқари маҳалла оқсоқоли, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияларининг аъзолари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун алоҳида хоналар ажратилган, улар зарур анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, 7883 та маҳаллаларга улар томонидан намунали хизмат кўрсатилаётганлигини ҳамда республикадаги 1594 та маҳаллаларда умуман жиноят содир этилмаганлигини, муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилаётган такрорий жиноятларнинг, шунингдек, аёллар ва воғга етмаганлар иштирокчи содир этилаётган жиноятлар сонининг сўнгги йилларда сезиларли даражада камайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаб, улар билан белгиланган тартибда профилактика ишларни амалга ошириш, содир этилган жиноятларни фойда, бедарак йўқолган шахсларни аниқлашда фаол иштирок этиш, жиноятчиликка қарши кураш борасида ички ишлар идоралари хизматлари ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш, воғга етмаганлар ва ёшларни жамият учун фойдали бўлган машғулотларга, албатта, уларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда профилактика инспектори маҳалла учун ҳам ҳимоячи, ҳам маслаҳатгўй бўлмоқда.

Шу йил 29 январь кuni Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда "Намунали милиция таянч пунктлари" ўртасида ўтказилаётган аънавий республика танловининг якуний босқичи ва голибларни тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бундай танловлар уч йилдан бери 4 та ҳудуд бўйича мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Танловда "Энг намунали милиция таянч пункти" номинацияси бўйича 4 та шартли ҳудуднинг биринчисида голиблик Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Эски шаҳар маҳалласидаги 190-сонли милиция таянч пунктига берилди.

Танловнинг иккинчи ҳудуди, яъни Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонте-нек тумани Деҳқончек маҳалласидаги 171-

сонли милиция таянч пункти голибликни қўлга киритди. Учинчи ҳудуд, яъни Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўртасидаги беллашувда голибликни Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳар 7-Ҳақиқат маҳалласида жойлашган 14-сонли милиция таянч пункти қўлга киритди.

Тўртинчи ҳудуд, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари бўйича ўтказилган танловда 1-ўринни Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри Геолог маҳалласидаги 21-сонли милиция таянч пункти эгаллади.

Бу голиб жамоаларнинг ҳар бирига Ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган "Дамас" автомобили топирилди.

Ички ишлар идораларининг деярли барча хизматларида ўзига хос машаққат ва кўпчиликл ҳавас қиладиган шарафли томонлари бор. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ҳам ана шунлардан бири. Бу хизматда фаолият юратиб турган ҳодима жуда кўп фазилатлар мўжассам бўлиши керак. Чунки у одамлар орасида, уларнинг қувончларига шерик, гапларига ошно бўлиб яшайди. Унинг ҳар бир босган қадами, гапирган гапи, одамлар эътиборида бўлади. Баъзида ёши улғу, кекса инсонлар даврасида ўтирган ўзининг маъноли гап-сўзлари, доно фикрлари билан ана шу инсонлар қалбидан кўли олган ёшгина, эгнидаги формаси ўзига ярашиб турган ҳодимлари кўриб қоласиз. Биз Хоразм вилоятининг Янгиқирғон туманида бўлганмишда шу туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори, олти лейтенант марҳум Кўпол Отажонов ҳақида юқоридagi каби ижобий фикрларни эшитдик. Кўпол эндигина 35 ёшга тулган эди. Эл тинчилигини асраш, юрт осойишталигини таъминлаш, маҳалладошлари оромини асраш ниятида камарини белига маҳкам бунгаган эди. Афсуски, ўзинг бу орузлари, эзгу ниятлари охиригача амалга ошмай қолди кетди. Уша кунини у суд ижрочилари билан бирга қонун талабларини бажармаётган шахснинг уйига борди.

"Сизлар тўхтаб туринглар, аввал мен ўзим у киши билан гаплашиб кўраман", деди ва шаддам қадамлар ташлаб қонунбузарнинг уйига томон кетди. Лекин минг афсуслар бўсинки, орадан бир оз вақт ўтказ ҳовлидан гўмбурлаган ўқ товуши эшитилди. У хизмат вазифини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлди.

Кўполдан ёдгорлик бўлиб 5 фарзанд қолди. Улар тарбияси эса Кўполнинг садоқатли ёри Замиранинг зиммасида қолди. Унинг бир масъулияти икки бўлди. Ҳам она, ҳам ота вазифини бажара бошладилар. Кўполнинг ўтган ҳар бир кун, ҳар бир тун Замира учун қанчалик азоб бўлганлигини, кичинтойлар омон қани, деб берган саволларига жавоб бериш қанчалик мушкул эканлигини ёлғиз Замирагина билади...

Кўриқ-танловнинг



СУРАТЛАРДА: голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар. **Р.ГАЛИЕВ** олган суратлар.



"Энг намунали милиция таянч пункти" номинацияси бўйича учта иккинчи ўрин Қашқадарё вилояти Косон туманининг Равот маҳалласидаги 67-сонли, Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани Мирзо Улугбек маҳалласидаги 239-сонли, Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Фуркат маҳалласидаги 26-сонли милиция таянч пунктларига берилди. Учта ўринчи ўринга эса Наманган вилояти Наманган шаҳри Қизилқўприк маҳалласидаги 61-сонли, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Гўёсиддин Жамшид маҳалласидаги 49-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳри Хоразм маҳалласидаги 3-сонли милиция таянч пунктлари сазовор бўлишди.

Бундан ташқари танловнинг "Энг жасорат кўрсатган профилактика инспектори" номинациясида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори Рустамжон Дўстматов, "Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол профилактика инспектори" номинациясида Бухоро шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори Акром Бобоев, "Воғга етмаганлар билан ишлаш бўйича энг фаол профилактика инспектори" номинациясида Фарғона вилояти Бувайда тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори Сардор Тошпўлатов, "Жиноятчиликка қарши курашишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" номинациясида Жиззах шаҳар Олмазор маҳалласи оқсоқоли Фани Обидов, "Энг фаол маҳалла посбони" номинациясида Тошкент вилояти Бўжа тумани Қора қуйи маҳалласи посбони Салимжон Фозилов, "Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" номинациясида Тошкент шаҳри Акмал Икромов тумани Уриқзор маҳалласи маслаҳатчиси Раъно Турсунжўяевлар голиб бўлдилар. Яққасарой тумани ички ишлар бошқармасида профилактика инспектори бўлиб ишлаган Мансур Турғуннинг турмуш ўртоғи Зулайхо Саматова, Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармасида профилактика инспектори бўлиб ишлаган Эркин Саматовнинг турмуш ўртоғи Адолат Жумаева, шу туманда профилактика инспектори бўлиб ишлаган Мухиддин Амоновнинг турмуш ўртоғи Максуда Мингтўраева, Тошкент вилояти Покент тумани ички ишлар бўлимида профилактика инспектори бўлиб хизмат қилган Маҳмуд Абдуллаевнинг турмуш ўртоғи Роҳат Абдуллаевларга "Энг садоқатли аёл" номинацияси бўйича совғалар насиб этди. Шунингдек, танлов якунига кўра, хизмат фаолиятида ижобий натижаларни қўлга киритган кўп қатор профилактика инспекторлари рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

Авазбек САТТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, полковник.

Оқсоқол тажрибаси

Ўқтам ака билан танишганимда унинг мулозим, аммо ҳар бир килимасида бир олам маъно мўжассам сўзлаши, ўзи етмиш уч баҳор гаптинин сурган бўлса ҳам, ёшларга хос шижоаткор ҳаракатлари катта таассурот қолдирган эди мени.

Ўқтам ака асли жисмоний тарбия ўқитувчиси. — деди ҳамроҳим, "Маҳалла" жамғармаси Узун тумани бўлинимаси раиси Мирзахаким Исमतов.—Узим, беш тур бўйича спорт устаси. Юз, икки юз метрга югуришда, олтиш, етмиш килограмм вазнидаги полвонлар орасида миллий кураш бўйича Ўқтам Қаландаровга тенг келадигани йўқ эди. Футбол, вoleyбол бўйича ўтказиладиган турнирларда ҳам у совриндор бўларди, чемпион эди.

Давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда фаҳрий спортчи, қолверса оқсоқол сифатида сиз бу соҳада маҳаллада қандай ишларни амалга оширяпсиз? — йўл-йўлакки қизикиб сўрадим ундан.

Болалар спортини ривожлантириш тўғрисида маҳалла йигинига раис этиб сайланган кунимдан бошлабқўйилганман. Узимнинг каттагина ўйингоҳимизга эгамиз. Унда ҳамма қўлайликлар мўжасам. Бир эмас, учта футбол жамоамизда олтиминдан ортиқ ёшлар тўп суради. "Футболимиз келажиги" турнирида тумандаги маҳалла-

МЕҲНАТНИНГ МЕҲНАТКАШ РАИСИ

лар орасида бизнинг жамоамиз пешқадамлик қилди.

Шахмат бўйича ўтказилган туман биринчилигида маҳалла ўғлонларидан беш нафари дона сурди. Улар орасидан жаҳон чемпио-нлари чиқишига умид боғлаганимиз. Оилавий спорт ўйинларини ҳам йўлга қўйганимиз. Умуман, маҳалламизда спортга қизиқиш катта, — дейди оқсоқол.

Сўхбатта шўғиб маҳалла гузарига етиб келганимизни ҳам сезмай қолганимиз. Икки қаватли, ўн хонадан иборат кўркам бино. Унда тўй-ҳашамлар ўтказиладиган катта зал ҳам мавжуд. Бинонинг биринчи қа-ватида маънавий хизмат шохбонлари, савдо дўконлари жойлашган. Иккинчи қавати ошхона. Барча хоналар шинам жиҳозланган. Оқсоқол-нинг айтишича, гузар қурилишига 25 млн. сўм маблаг сарфланибди.

Ҳа, тўрт йил мобайнида Узун туманидаги Меҳнат маҳалласида туз ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Маҳалла ҳудудидаги Меҳнат, Сурхонбоши, Қўрғона, Терактот қишлоқларида умргуза-ронлик қилаётган 5 минг 62 аҳоли тоза ичимлик суви билан таъ-минланди. Меҳнат ва Сурхонбоши қишлоқларида артезиан қудуқ пармаланиб, ер қазирдан отилиб чиққан зиллоддек сувдан тўрт мингга яқин кишилар баҳраманд бўлди.

Меҳнат қишлоғига табиий газ ўтказиш ҳам осон кечгани йўқ. Икки

Маҳалламиз тарихи қизик...

Жалақудуқ туманида жойлашган Абдулабий номли қишлоқ фуқоролар йиғини таркибидagi Қаламбек маҳалласи вилоятдаги энг қадимий маҳалла-лардан бири деб тан олинди.

ҚАЛАМБЕК ЭККАН ҚАЙРАҒОЧ

Айтишларича, XVII асрнинг 20- йилла-рида Қирғизистоннинг ҳозирги Боткен вилоятидан ўн оила шу жойларга кўчиб келишди. Қаламбек исмли йигит уларга бош эди. Йигит шу ерда уйланиб, бола-чакали бўлади. Бир кун Қаламбек қўйла-рини узоқроқда боқиб юриб, ариқ бўйи-га қайроғоч тағвиги санчиб қўйиб, уну-тиб қолдиради. Келгуси йил ёзда яна қўйларни боқиб ўша жойларга бориб қолади, шунда у ўз тағвигини гуркираб ўйиб, шохлар чикариб, ажойиб дарахтга айланганлигини кўради.

Бу воқеани Қаламбек ўз ҳамқишлоқла-рига ҳам айтади. Шунда кўпни кўрган ке-ксалар ўша жойларнинг суви яхши, тупроғи унумдор эканлигини айтишди. Улар тўх-ай-зорлар ўрнидан, ер очишга тушиб ке-тишди. Илгарилари асосан кўчманчилик билан кун кечирган одамлар деҳқончилик қилишни ўрганадилар, боғ яратдилар. Бора-бора чор атрофдан одамлар келиб, ўрнашиб бу жой ўз-ўзиндан Қаламбек номи билан аталувчи ҳудудга айланади.

Қаламбекдан Нурали исмли ўғил қола-ди. У беш ўғил кўради. Шуларнинг бири Болтабой Германияда ўқиб қозиб бўлади, кўп йиллар ўз халқига хизмат қилади. У бобоси Қаламбекдан қолган ёдгорлик қай-роғоч ёнида боғ яратди. Қаламбекдан хо-тира бўлиб қолган қайроғоч 1957 йилда

Яшашни билган юртдошлар

САВРУҚ ОТА БУЛОҒИДАН СУВ ИЧГАНЛАР

Ғаллаорол туманидаги "Кўкбулоқ" хўжалигига қарашли Савруқ ота қи-ш-логига кираверишдаги булоқдан ҳовучлаб сув ичдим. Бундай тиниқ, оромбахш оби-ҳаёт жонга лаззат бағишлайди. Ниғоҳим булоқ тубидаги тошларга тушади, муздек сув томчилари юзларимни ювади, киприкларимга ўрнашиб яна қайтиб кафтимга томчилайди...

— Савруқ ота булогини минг дардга даво, болом, — деди ёнимга яқинла-шиб суви кафтларига олаётган киши, — қандай бахтли одамлар шу ер-ликлар, улар кунда шу булоқ сувидан ичишади, хонадонларидан оқиб ўтади...

Мен сўхбатга тортаётган кишига юзланиб, унинг машҳур қорақўлчи Райим Убайдуллаев эканлигини танидим. Юзларига йиллар қолдирган из ариқчаларини бирдай оқиб сув томчилари тушар эди. Аста қўйқасининг бир чеккасига юз-қўлини артар экан:

— Мен ҳам сал нарироқда, тепалиқда тураман, аммо мана шу Савруқ ота булогининг сувини уймағ тортчи чикариб олганман, — деди. Ишининг кўзини биладиган Райим ота бу гал ҳам мени қойил қолдирди. Ақл бовар қилмайди — баянд тепалиққа жойлашган хонадонга мазкур шифобахш суви олиб чиқарибди...

Етмишинчи йиллар эди. Қорақўлчилик хўжалигини ривожлантиришда мўносиб ҳисса қўшган машҳур чўпон Райим отанинги иш тажрибаси омма-лаштирилар эди. Бошида втиги 32 минг бош қорақўл билан иш бошлаган бўлса, орадан кўп ўтмай 52 минг бошга етказган эдилар. Хўжалиқдаги қўй терилари Бухоро терри тайёрлаш корхоналарига жўнатилар эди. Ҳар хил сўр терилар тайёрланар эди. Даромад ҳам, буромад ҳам зўр эди.

Райим ота билан сўхбатимиз қизиб яна ўша қорақўлчиликка бориб тақалди. — Бугун қўйчилик туғаш арафасига келиб қолди, қорақўлчиликни га-пирмасам ҳам бўлади.

Райим ота анча куюнди. Қорақўлчилик, қўйчиликнинг турган битгани хазина эканлигини, бугунги кунда мазкур соҳани ривожлантириш учун ниҳоятда жиддий эътибор бериш кераклиги ҳусусида гапирди. Райим ота тепалиққа уй солган ўғли Равшанин уйига тақлиф қилди.

Тошкент шаҳри Ишлар қалаи, маслаҳатчи?

Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номи маҳалласининг диний-маърифат ва маъна-вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масла-ҳатчиси Умида Аҳмедова бундан ярам йил му-қаддам маҳалладошларининг катта ишончи би-лан ушбу лавозимда иш бошлаган эди.

ШИҲОКОРАЛИК ТАЖРИБАСИ АСҚОТМОҚДА

Фоллиги ва ташаббускорлиги билан маҳалла аҳли хур-матига сазовор бўлиб келган олий маъмулотли стоматолог дастлабки кунларданок янги ишга астойдил киришди. Асо-сий эътиборни маҳалла фаоллари, маҳалла, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликка қаради. Режа асосида иш бошлади. Ишни маҳалла аҳолисининг иқтимоий турмушини ўрганишдан бошлади. Олти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган хонадонлар билан танишиб чиқиб осон иш эмас, албатта. Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Малика Убайдуллаева билан биргаликда хонадонлар муҳитини, оилаларнинг шароитини, руҳий ҳолатини ўргана бошлади. Ҳар кунни ўртача ўн та оиланинг турмуш шароити билан танишилди. Маҳаллада яшовчи кам таъминланган оила-лар, ногирон болалар ва катта ёшдаги ногиронлар рўйхати тузилиди. 18 ёшгача бўлган воғга етмаганлар сони аниқлан-ди. Ҳуқуқ-тартибот идораларида алоҳида рўйхатда туради-ганлар ва уларнинг ота-оналари билан сўхбатлар ўтказилди.

Шунингдек, фуқаролар кенгашининг яраштириш, ко-миссияси аъзолари ҳамкорлигида баъзи оилалардаги ке-лишмовчиликларнинг сабаблари ўрганилди. Эр-хотиннинг ажралиши юзасидан ўн та шикоят аризаси тушган эди, шулардан бештаси ижобий ҳал бўлди.

Диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган ва амнистия туфайли жазо муддатини барвақт ўтаб қайтган ёшлар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Оила муҳитини яхшилаш, мустахкамлаш унда тар-бияланаётган фарзандлар тақдирини бахтли ва боғлиқ, — дей-ди Умидахон. — Шу босис хонадонларда бўлиб, воғга етаётган ёшларнинг тақдирини бахтли кўпроқ қизиқишга уринаман. Уларни фойдали меҳнатга жалб этишга ҳара-кат қиламан. "Вақтинг кетди — қандак кетди" деган нақлнинг асл моҳиятини тушунтиришга интиланман. Шу мақсадда маҳалла идораси қошида тўғувчилик тўғраги ташкил этилди. Бу ерда ҳозирда йигирмага яқин қизлар хунар ўрганмоқдалар. Энди тикиш-бичиш тўғрагини очиб ҳаракатидамиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан бу йил Сиҳат-саломат-лик йили деб эълон қилиниши маслаҳатчи Умидахон Аҳме-дованин иш режасига янги тадбирлар киритилишига са-баб бўлди. У маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш коммис-сияси билан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқди. Айни кунда у маҳалла қошида тиббий пункт ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, уни амалга ошириш учун сай-ҳаракатида.



СУРАТДА: Умида Аҳмедова маҳалланин-г фаол аёллари билан режа тuzмоқда. **Мухаммад АМИН** олган сурат.

Сурхондарё вилояти

минг беш юз метр масофага ўрта босимдаги газ қувурлари тортилди. Темир қувурлар излаш, уни ўтказиш, пайвандлаш, маблаг билан таъминлаш осон кечмади. Бу ишда унга қишлоқ аҳли мададор бўлди.

Шундан сўнг оқсоқол янги ишга киришди. Бу гал Сурхонбоши қишлоғи ўғил-қизларининг ташвиши билан банд эди. Қишлоқда замонавий спорт мажмуаси қурилишига биринчи бўлиб у гишт қўйди. Иш жадал давом эттирилди. Ҳашарлар уюштирилди. Спорт мажму-аси тезда буй кўрсатди. Меҳр ва муруват йилида юзлаб ёшларни бағрига олди.

Ўтган йили беш юз метр йўлга асфалт бостирилди. Шунча метр масофадаги ариқнинг икки томони бетонлаштирилди. Гул-лар ўстирилди.

— Маҳаллада кичик корхоналар қурилишини давом эттирмақчимиз, — дейди оқсоқол янги йилдаги режалари билан ўзгаришлар экан.— Насиб этса, йил охиригача юзта янги ишни уриларни яратилади.

Дарвоқе, Ўқтам ака бориши кўп билан баҳам кўрадиган, бағри-кенг, қўли очик тадбиркорлардан бири. У ўтган йилда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқа-руви томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг "Энг тадбиркор оқсо-қол" номинацияси бўйича голиб деб топилди. Бу эса унинг кучига куч қўшиб, руҳига бирдамлик бахш этди.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Мўхташам уйнинг чироқлари ёниб турибди. Қир бағ-ридан ўзлаштирилган ерларга дастлабки дархатлар эқилган, қуёнлар, паррандалар юрибди. Қаловини топ-са қор ҳам ёнар экан, қир ёни бағрилатиб ариқ олиб сув ҳайдабдилар. Хуллас, шинам, чарогон ҳовлида яқинда уй тўйларини ўтказибдилар.

— Энди кўнчилик бригадасини ташкил этмоқчи-ман. Пархез гўшт, мўйнабоб терси етиштираман, — дей-ди Райим отанин ўғли Равшан. Равшан отанин изидан бориб анча йил қўй боққан, ҳозир эса фермер хўжалиги ташкил қилиб, ғалла етиштиряпти.

Райим отанин ҳамма фарзандларини ўзига торти-ди, меҳнатқаш бўлди. Рашид архитектор, ҳам оқсоқол, Раъно ўқитувчи, Раҳмат чорва иши билан банд.

— Оиламиз билан фермер хўжалиги ташкил этдик, — фахрланиб гапи-ради Райим ота. — 60 гектар ерга лалми ғалла эқдик. Бу йил баҳор ва кич ойларда ёғингарчилик кўп бўлди, Ғалла яхши ривожланыпти, худ-до хоҳласа ҳосил мўл бўлади.

Райим отанин хонадонида бўлган киши оила аъзосининг ҳар бири фойдали иш билан машғул эканини ҳис қилиши қийин эмас. Бунинг унинг турмуш тарзи кўрсатиб турибди. Яхши ҳовлида мевали дарахтларнинг деярли ҳамма турлари бор. Томорқада турмушга зарур бўлган барча қи-шлоқ хўжалик махсулотлари етиштирилади. Чорва моллари ҳам етарли. Сут, қатик сероб. Райим отанин турмуш ўртоғи, 8 нафар фарзанднинг онаси Бувиғул отанин турмуш тутишдан қўп нарсани ўрганса арзийди. Ҳовлида оқила аёлнинг қўли борлиги шундайгина кўриниб турибди. Дй-никса меҳмонхона деворига осылган гиламга солинган сурат: оқ отига миниб, қўй ҳайдаб кетаётган Райим ака! Опанин кўл санъатига тасанно!

Райим ота мени Савруқ ота булогига қутайиб қўйди. Биз яна шаффоф булоқ сувидан ҳовучлаб сув ичдик. Бир пайтлар бу ердан бир тегиримон сув отилиб чиқар экан. Унинг сувида 4 та тегиримонин

ҚЎЙҚИРИЛГАНҚАЛЪА

Ха, Хоразм — маданият ўчоги, мейморчилик ривожланган бир макондир. Бу ерда ўтмишнинг турли даврларида қурилган мейморий бинолар, тарихий обидалар кўп. Воҳанинг Бургутқалъа, Жонбосқалъа, Дёзқалъа, Қизқалъа, Тупроққалъа каби унлаб қалъалари қаторида машҳур Қўйқирилганқалъаси ҳам ўзининг бой ўтмиши, қурилиш услуби тарихи, биноларнинг тузилиши ҳамда бу ердан топилган турли хил тарихий осори-атикалари жиҳатидан ажралиб туради. Бу қалъа милoddан аввалги IV аср ҳамда милoddимизнинг IV асрларига доир ёдгорлик бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл шаҳридан 22 километр шимолий-шарқда жойлашган. Бу қалъа шаҳарчаси ва ундаги бинолар Хоразмнинг моҳир буюмкор усталари томонидан қурилган. Қўйқирилганқалъанинг атрофлари баланд ва мустахкам пахса девор ҳамда кенг ва чуқур ҳандак билан ўралган. Уз даврида бу баланд деворнинг айланасида бир-биридан ҳаммаси 18-26 метр масофада 9 та минораси бўлган. Қалъа ичида шаҳарча жойлашган бўлиб, унда кўплаб бинолар, турар-жойлар ва бошқа мақсадларда фойдаланилган катта-кичик бинолар тартиб билан қурилган. Умумий кўриниши халқасимон бўлган бу шаҳарчанинг марказий қисмини думалоқ шаклдаги саҳн ташкил этган. Унинг атрофида диаметри 31 метр бўлган, Арк деб тахмин қилинган айлана тарздаги иморат жойлашган. Арkning таққий девори эса хом гиштдан қурилган бўлиб, диаметри 40 метрга яқин мунтазам 16 бурчакдан иборат. Қўрғон, яъни ҳукмдорнинг саройи, айлана доирасининг қоқ ўртасида, ташқи девордан тахминан 15 метрча ичкарида қад кўтарган. Ушбу доиранинг диаметри 44,5 метр, деворнинг баландлиги 9,5 метр келади. Ташқи муҳофаа деворининг қалинлиги эса бир метрни ташкил этган. Ташқи девор билан ички девор орасидаги 2 метру 8 см. кенгликдаги кўндалан деворлар ёнида қўрғонни қўриқлаб турувчилар учун, махсус лашкарлар учун жой ажратилган. Хуллас, Қўйқирилганқалъанинг атрофи икки қатор мустахкам муҳофаа девори билан ўраб олинган. Девор учун лой олинган жой кейинчалик қалъа атрофини ўраб турган муҳофаа иншооти—ҳандакка айлантирилиб сув билан

Хоразм воҳаси Марказий Осиёдаги энг қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. X аср араб сайёҳи ва географ олими ал-Муқаддасий Хоразмни таърифлаб: "Бу жуда кўп шаҳарларга эга бўлган, ёлпасига обод, кенг ва муҳташам бир ўлкадир... одамлари зукко-зийрак, билимдон, истедодли ва маърифатлидирлар" деб ёзган эди.

тўлдирилган. Хандакнинг эни 15 метр, чуқурлиги 3 метрни ташкил этган. Қалъанинг шарқий қисмида соқилар назорат қилиб турадиган мустахкам ва баланд дарвоза жойлашган.

Қўйқирилганқалъанинг қурилиш услуби, тузилишига келсак, умумий кўриниши халқасимон айлана бўлган бу шаҳарнинг марказий қисмини думалоқ шаклдаги саҳн ташкил этади. Қалъа хом гишт ва пахсадан тикланган бўлиб, унинг қалинлиги бир метрдан ошқорқ ва баландлиги 7 метрга яқин бўлган. Қўйқирилганқалъа ўзининг 18 қиррали айлана девори билан ажралиб турган. Қалъанинг қуёшга ўшатиб доира шаклида қурилиши қадимги хоразмликларнинг қуёшга сизини келганликларидан гувоҳлик беради. Қўйқирилганқалъадаги 6—7 метрли деворлар орасидан кўкка қараб қий тарзда қурилган дарвазалар бинонинг биринчи қаватидан туриб осмон кубазининг фақат маълум йўналишидаги ёриткичларини махсус қузатишга мўлжалланганлигини қадимшунсо олимлар аниқланганлар. Астроном олимларнинг фикрларига қўра, Қўйқирилганқалъа "улкан расадхона" вазифасини ҳам бажарган. Бу ердан туриб юлдуз ва сайёралар ҳаракати кузатишган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимий Қўйқирилганқалъа Хоразм давлатининг милoddан олдин IV аср ва милoddий IV асрга доир обод ва маданияти гуллаган, хунар ва савдо ривожланган шаҳарчаларидан бири бўлган. Қўйқирилганқалъа шаҳарчаси харобалари кўлдан бери тарихчи, қадимшунсо, элшунсо ва санъатшунсо олимларнинг диққатини ўзига тортди келмоқда эди. Қадимшунсо олим, профессор Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография илмий экспедицияси 1938 йили бу тарихий жойни биринчи марта рўйхатга олган эди. Хоразм воҳасининг ўтмиш тарихидан хикоя қилувчи бу қалъа асосан XX асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб ўрганишга киришилди. Қўйқирилганқалъани ўрганишда Москва ва Петербург олимларидан ташқари Ўзбекистон фанлар академиясининг тарих, археология ва санъатшунсолик институтининг олимлари ҳам қатнашдилар. Қўйқирилганқалъа харобаларини

Асрлар ва қасрлар



Қўйқирилганқалъа. Тикланган.

олимларимиз қазиб ўрганиш натижасида бино девор қолдиқлари, уни пахса лойдан қурилганлиги, хоналар ва уларни тузилиши ва бошқа қурилмаларни аниқладилар. Шунингдек, бу ердан айлана шаклида қурилган мустахкам ибодатхона қолдиқлари ҳам топилган. Қўйқирилганқалъадан олимларимиз милoddан аввалги IV-III асрларга мансуб баъзи бир ёзув намуналарини ҳам топилган. Жумладан, оромий хатига асосланган Хоразм ёзуви топилган. Қазиб вақтида топилган сопол тобулар қўйқирилганқалъалиқларнинг дафн қилиш урф-одатлари қандай бўлганлиқларидан гувоҳлик беради. Қўйқирилганқалъани қазиб ва ўрганиш натижасида хона деворларидаги рангли нақшлар, хона ичидаги сопол тобулар, меҳнат ва ов қуроллари, кундалик уй-рўзгор буюмлари, эркак ва аёлнинг сопол ҳайкалчалари, турли хил расмлар солинган ёғ идишлари, нақшинкор сувдонлар, дастаси фил ёки от бошига ўшатиб ясалган хум ва кўзалар, бадий жиҳатдан қимматли бўлган ёзувли ва нақшли сопол парчалари ва бошқа тарихий осори-атикалар кўплаб топилган. Топилмалар ичида от, туя ва шу сингари ҳайвон ҳамда қушларни тасвирловчи расмлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Қадимшунсо олимларимиз қалъа атрофидан сугориш иншоотлари, сопол суз қувурлари, меҳрат қуролларини ҳам топилган. Бу ноёб топилмалар эраимиздан аввалги IV асрларга тегишли бўлиб, булар қалъа аҳолисининг ҳўжалик ва маданий ҳаётининг қандай бўлганлигини тасвирлашга имкон беради. Сополдаги ёзувлар эса қадимий хоразмликларнинг тили ва ёзуви ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Рашид БОЙТИЛАЕВ



Олам
Турфа

ҚИММАТБАҲО БУЛОЧКА

Тонганимиз оролидаги (архивеллаги) Фуломому шаҳарчасининг номи боғлиқ Жорж Кайру ҳар кун эрталаб юмшаккина булочка билан қаҳва ичишга оғатланган. Маҳаллий ноёноҳоналардан унга ҳар кун иссиқ булочка юбориб турарлар.

Бир кун нонушта пайтида Кайру булочка билан бирга каттик нарсини чайнаб юборди. У нима экан деб синчилаб қараса, катталиги лавиядек келадиган, саккиз қиррали қилиб ишланган ёқут экан. Мутахассислар унинг нархини 100миң доллар деб баҳолашган. Ватани эса Цейлон экан. Бу қимматбаҳо тош қандай қилиб булочка ичиға тушиб қолганлиги жумбоқлиғича қолди. Лекин пошта бошлиғи энди барча булочкаларни ёйишдан олдин синчилаб текшириб олмақда. Шундай бўлса-да, бундай ҳол бошқа қайтарилмайтир.

БОТИНКА ЁРДАМ БЕРДИ

Юқорида ишловчи монтажчи Антонио Ибандес Испаниянинг Картахен шаҳридаги 25 қаватли уйнинг томида ишлайётган эди. Кўчи эсан мамол бу қилини учуриб юборди, уни ҳатто ҳимоя мусулфи зам ушлаб қололмади ва настива қулади. Лекин Антонио тирик қолди.

Пастга қулаб кетаётган Ибандес электр узатиш линиясига тегиб кетган ва натижада қўсқа тушади бўлган. Бундан вужудга келган электр йили унинг оёқ кийими тағчармини эритиб юборган ва у балконнинг ёнига ёпишиб қолган. У қалласини пастга осилтириб, батинкани тағи кўчиб кетганича уч дақиқа турган. Бу дақиқалар Ибандесни кутқариб олишга ёналол этган.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.



Хоразм вилояти

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўпгина соҳалар қаторида халқимизнинг асрий аъналарини ўзда муҳассамлаштирган, узоқ йиллик миллий тажрибаларимиз асосида шакланган хунармандчилик соҳасини тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Халқ амалий санъатининг оммавий тури бўлган ёғоч ўймакорлиги ҳам ана шундай қадимий қадриятларимиз сирасига киради. Хивалик моҳир хунарманд-уста Кўзибой Сапаев айни пайтда ушбу кўҳна санъат тури аъналарини самарали давом эттириб келяпти. Энг эътиборлиси, уста ёғоч ўймакорлиги касбининг сир-асорини шогирдларига ўргатиб, улар билан бирга кичик корхона ташкил этган. Ҳозирда мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар — нақшинкор устунлар, дарвоза ва эшиклар, уй-рўзгор буюмлари буюртмачи ва харидорларга манзур бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: хунарманд-уста Кўзибой САПАЕВ бошчилигидаги ёш ўймакор усталар гуруҳи иш фаолиятдан лавҳалар.

Қадам ОТАЕВ олган суратлар.

Шахсия мулоҳаза

ТАОМИЛДА МАЪНО БОР...

Мутахассисларнинг фикрича, оилаларнинг бузилишига энг кўп сабаб бўлаётган омилардан бири бу — ёшларнинг тарбиявий аҳволи, ахлоқнинг даражасидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кун глобаллашув жараёнида турли маданиятларнинг ўзаро мувофиқлашиши, бир-бирига таъсири ҳозирги замон ёшлари онги ва тафаккурига, ахлоққа бир хил таъсир кўрсатаётгани йўқ, албатта. Жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳаёт уларга керагидан ортиқ ахлоқий нормаларни "ўргатаётир". Ким билади, балки бунда, айниқса чет эл телесериалларининг ўрни "беқийёс" бўлаётгандир...

Бизда, ўзбек оиласида келин тушса, оstonага қадам қўйганидан эътиборан, шу хонадоннинг сеvimли аъзоси ҳисобланади. Унинг ҳар бир ҳаракати оила аъзоларига, айниқса, ёшларига ибрат бўлмоғи лозим. Келин, биргина масалага тўхталайлик. Ўзбек келинлари, таомилга кўра, хонадоннинг ҳар бир аъзосини унинг ўз номи билан эмас, балки, уларга қаттиқ теғмайдиغان, кўнглига ботмайдиغان, сержурматилик юзасидан бошқа бир исм, белги, касб эгаси сифатида атаб чақиради! Бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин. Масалан, Осиё халқлари хусусан, Марказий Осиё халқлариди қадимий бир ривоят юради. Буни Машҳур кирғиз адиби Чингиз Айтматов ва қозоқ адиби Мухтор Шоҳоновлар ўзларининг ўзаро суҳбати асосида дунё юзини кўрган "Чўққиди қолган овчининг охи-зори" номли китобида ҳам айтиб ўтишган. Унда таъкидланишича, бир кун дарёнинг нариги қирғоғида, қамшозорлар орасида битта бўри кўзичоққа ташланиб қолади. Шу пайт бир келинчақ кўза кўтариб сув олгани келиб қолади ва бўрини хурқитиб юборади.

Чалажон ҳолатда типирчилаб ётган кўзичоққа кўзи тушган келинчақ ёнидан пичоқ чикариб, уни қайроқтошда қайраб, кўзичоқ-

нинг кекирдигани узиб ташлайди. Шу билан у кўзичоқни жон талвасасидан қутқаради. Уйга келган келинчақ дарё ёқасида содир бўлган бундай қизиқ воқеани гапириб бермоқчи бўладию, бирдан қайноғаларининг номлари эсига тушиб қолади: уларнинг номи Ўзанбой, Қамишбой, Қўйчибой, Қашқирбой, Кездикбой (кездак — пичоқ дегани экан), Қайроқбой. Уларнинг номи тилга олса, одобсизлик бўлади, ахир. Нима қилмоқ керак? Одоби келин йўлини топади. Ва шундай дейди: "Жалди-роқнинг ёқасида, шувуллоқнинг орасида увловуқ баъровуққа ташланиб қолди. Мен ёнимдан кесадиганимни чикариб, уни ўткирлагичга ишқалаб, сўнг кекирдигани узиб ташладим".

Қараңг, у ҳеч қайси қайноғасининг номи тилга олмади! Тўғри, бу ҳолат бироқ эришроқ туюлади. Қолаверса, биз бу фикр билан хотин-қизларимиздан бундай сўзлашишни қатъий туриб талаб ҳам қилаётганимиз йўқ. Лекин, аёл ва эркак, келин ва эрнинг қариндошлари муносабатиди сўз танлаб гапиришининг ўрни бор деб ўйлаймиз.

Жасур КЕНГБОВЕВ, талаба

Суддан сўнгги мулоҳаза

ОҚИБАТНИ УНУТГАН ОДАМЛАР

...Ҳаммаси улар яшайдиган кўчадаги эски ховли-жойларнинг бузилиши билан бошланди... Опа-ука Ёқут ва Фарҳод Умрзоқовлар ҳамда Турсунбой Имин-Ахуновлар оиласи узоқ йиллар давомида ён қўшни — жон қўшни, қолаверса қариндошлик алоқалари туфайли ҳам бир-бирлари билан илиқ муносабатда бўлиб келардилар. Хатто кези келганда хол-хабарлашиб туришар, оғир кунларида ёрдамларини аямас эдилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Кўпга келган тўй, деганларидек аскарнинг маҳалладошлари қаторида уларнинг эски ховли-жойлари ҳам бузиладиган уйлар рўйхатидан ўрин олди. Шу муносабат билан давлат томонидан бериладиган уй-жойларни хусусийлаштириш, расмийлаштириш билан боғлиқ баъзи юмушлар юзага келиши муқаррар эдики, Имин-Ахуновларга ҳам тегишли бўлган бу "таъшиш"ларни Фарҳод Умрзоқов бир томондан оқибатли кўни-қўшничилик, иккинчи томондан узишмас қон-қариндошлик ҳаққи-хурмати ҳал қилиб берадиган бўлди. Ўз навбатида илгари ҳам катта-кичик ишларда кўмаклашиб ҳожаб чиқарган ва ишончга кирган Фарҳоднинг тақдирини Имин-Ахуновлар бажонидил қабул қилдилар ва хатто орадан ойлар, йиллар ўтди ҳамки, ишнинг натижасини кўпмак қистовга олавермадилар. Бу эса миясига бошқа ният оралаган Фарҳод Умрзоқов учун айни мудоао бўлди. У биринчи галда қўшинсининг ишончидан, қолаверса қонун-қондаларини кўпмак биланвермаслигидан фойдаланиб қолди. Орадан кўп ўтмай бузишган ховли-жойлар эвазига Умрзоқовлар учун иккита тўрт хонали, Имин-Ахуновлар учун битта уч хонали ва битта тўрт хонали уйлар ажратилди. Аммо бу хушхабар билан Фарҳод қўшинсини суюнчулашни истамади ва "Ҳозирча ҳокимият уй берамапти, тез орада иш ҳал бўлиб қолади" қабилидаги уэр-бахоналар билан янгликни сир тутди. Бу орада Имин-Ахуновлар оиласи гоҳ иш жойидан берилган каталакдек бошланганда, гоҳ қизининг бўлак рўзгорини уйда кун ўтказди. Лекин кейинроқ кингир ишининг қийғи чиқди. Имин-Ахуновлар бузишган ховли-жойлари эвазига иккита уй берилганлиги ҳақидаги ҳужжат Фарҳодда эканлигидан хабар топдилар. Бу пайтга келиб, афсуски, Фарҳод икки уйдан бирини, яъни Имин-

Ахуновлар оиласи аъзоси Наргиза Имин-Ахунова номига берилган тўрт хонали уйни сотиб улгурганди. Наргизанинг айтишича, унинг кўз касаллиқлари бўйича шифохонада даволанаётганлигидан ва кўзларининг яхши кўрмаслигидан фойдаланиб оқ қозоғга имзо чектириб олган. Кейинроқ эса унга тегишли бўлган хонадонни Фарҳод ўз ораси Ёқут Умрзоқова номига сотиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга ваколат берувчи ишончномани нотариал идора орқали расмийлаштириб ва ўз навбатида Ё.Умрзоқова уйни Н.Имин-Ахунова номидан ҳаракат қилиб пуллаб юборган. Аммо бу билан опа-ука қаноат ҳосил қилмади. Пул васвасаси уларни навбатдаги режа сари ундади. Энди улар ўзаро тил бириктириб Имин-Ахуновлар номида бўлган иккинчи уйни ҳам ўзлаштириб олиш ҳаракатига тушдилар. Бу йўлда биринчи қадам Имин-Ахуновларнинг эски ховли-жойлари, бузилиши эвазига ҳокимият томонидан берилиши лозим бўлган уйни Ё.Умрзоқовага ҳада қилиниши қаролатилган. Ё.Умрзоқова томонидан эса ўз навбатида 1300 АҚШ доллари, Келес шаҳарчасидан иккита икки хонали уй ва қурилиш материаллари берилиши ваъда қилинган сохта битим тайёрлаш билан қўйилди. Кейин эса Ф.Умрзоқов ўзларига тегишли бўлмаган уйнинг "чирогини ёқиб ўтириш" учун опаси Ёқутни бутун кўн-кўрони билан у ерга кўчиртириб қўйди. Бу ҳолдан Имин-Ахуновлар хабар топганлариди эса Умрзоқовлар "Қаерга борсанг бор, уй бизники, кўлимизда битим бор" деган ваз кўрсатиб уйдан чиқишдан бош тордилар. Шундан сўнг Имин-Ахуновлар харидор топиб қонуний йўл билан уйни сотишга мажбур бўлдилар. Бирок уй сотилган ҳам бу муаммо ечим топмади. Шунда харидор ўз қонуний ҳуқуқини талаб қилиб, яъни Ё.Умрзоқовлар оила аъзолари билан ўзбошимчалик қилиб жойлашиб олган хонадондан кўчирилишини сўраб фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилди. Биз мазкур

низоли ҳолат юзасидан суд иши материаллари билан танишиб чиқиш жараёнида Умрзоқовларнинг яна бошқа "иш"ларидан ҳам хабардор бўлди. Ё.Умрзоқова ва Ф.Умрзоқовлар Н.Имин-Ахунова номига берилган уйни сотиш мақсадида дастлаб Н.Имин-Ахунова ва фарзандини унинг номидан ариза ёзиб ушбу манзилдан рўйхатдан ўчирган. Ундан ташқари фирбиргарлар қалбақлаштириш йўли билан Н.Имин-Ахунованинг паспортидаги 26-уй рақамини 29-уй рақамига ўзгартиб, жабрдйда аёлга шу рўйхатда туришини тушунтирган. Вақолаки, Н.Имин-Ахунова ушбу қингирлик содир этилгандан сўнг ҳеч қаерга рўйхатга қўйилмаган. Бундан кўринадики, Имин-Ахуновларнинг соддалиги, ҳуқуқини билмаслиги Умрзоқовлар ишининг "ривож"и учун қўл келган.

Юқорида Имин-Ахуновлар ва Умрзоқовлар ўртасида тузилган битим ҳақида айтиб ўтган эдик. Мазкур битимда Т.Имин-Ахунов ва унинг турмуш ўртоғи Н.Шарафидиновалар эски ховлилари эвазига ҳокимият томонидан берилиши лозим бўлган уй-жойни Ё.Умрзоқовага ўтказиб беришга қафолат берилган. Ё.Умрзоқова эса ўз навбатида 1300 АҚШ доллари, Имин-Ахуновлар оиласи учун Келес шаҳарчасидан иккита икки хонали уй ва қурилиш материаллари беришини ваъда қилинганлиги баён этилган. Ё.Умрзоқованинг таъкидлашича, у битимдаги ваъдаларни бажарган. Бирок суд жараёнида бу "тўқима гап"лар ўз исботини топмаган. 1300 АҚШ долларининг Ё.Умрзоқовларга берилганлигини тасдиқловчи гувоҳлар йўқ. Ховли-жой қуриш учун қурилиш материалларининг берилишига келсак, ихтиёрида ҳеч қандай ховли-жой бўлмаган Имин-Ахуновлар учун бундай қандай зарурати борлигини тушуниш қийин (бу гапга Имин-Ахуновларнинг ўзлари ҳам ажабланганлар!). Ё.Умрзоқованинг Келес шаҳридан иккита икки хонали уйни 700 АҚШ доллариға сотиб олиб бер-

дим, деган кўрсатмаси ҳам Имин-Ахуновларнинг қизларидан бири яшаётган уйнинг олди-сотида шартномасида белгиланган нарх билан анчагина тафовутли. Демак, бу гап ҳам мантикий асоссиз.

Яна эътиборли жиҳати, ушбу битим ҳолис гувоҳлар иштирокида тасдиқланмасдан, Ё.Умрзоқованинг укаси Ф.Умрзоқов ва Т.Имин-Ахунов, турмуш ўртоғи Н.Шарафидинова ҳамда акаси Тўхтасин Имин-Ахуновлар томонидан имзоланган. Гарчи битим Ё.Умрзоқова ва Т.Имин-Ахуновлар ўртасида тузилган бўлсада, тараф сифатида иштирок этувчи Ё.Умрзоқова уни имзолашда иштирок этмаган. Боз устига битим ноаниқ муҳр билан тасдиқланган бўлиб, унда муҳр босувачининг имзоси ҳам йўқ.

Суд мазкур тилхатни ким ёзганлиги, унга қўйилган имзо ким томонидан, қай ҳолатда амалга оширилганлигини, тилхатқа нима сабабдан, қайси ташкилот томонидан муҳр қўйилганлигини аниқлаш мақсадида хатшунослик экспертизасини тайинлаш фирига келди. Бирок Ё.Умрзоқова тилхатнинг асл нусхасини тақдим этмади (бунинг сабабини изохламади ҳам) ва кейинги мажлисларга узрли сабабларсиз келмади.

Суд ушбу ва бошқа сабабларни ҳисобга олиб, тилхатни ҳақиқий эмас деб топди ва даввогарнинг Ё.Умрзоқовани уйдан чиқариш тўғрисидаги даввосини қаноатлантирди.

Гарчи Ё.Умрзоқова Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига апелляция шикоят билан мурожаат қилган бўлсада, судлов ҳайъати мазкур ишни ўрганиб, ўзгартиришсиз қолдирилиши тўғрисида ажрим қилди.

Юқоридаги ҳолатлар асосида айтиш мумкинки, фуқаролар Ё.Умрзоқова ва Ф.Умрзоқовлар бойлик илриниқиди Имин-Ахуновларга ўхшаган содда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдиган, қонундан беҳабар кишилардан фойдаланишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйишган. Қон-қариндошлик, кўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик, дўст-биродарлик каби эзгу тушунчалар уларнинг нафэ йўллариға парда сола олмаган.

А.УСМОНОВ, ҳуқуқшунсо. Ф.БҮТАЕВ, "Mahalla" муҳбири.

Мавжли қалб

ҚУМСАН

Юрагимда етмиш дунё бор, Шодликлари, қамлари билан. Энг гўзали — ўша уйимиз, Сиз — бошимни силаган олам. Ёшлигимнинг бебошликлари Кўзларингиз ёшлатган чоғин, Олиб кетди вақтингиз кемаси, Тухташининг йўқдир иложи Тухтаганда, ушлаб қўлингиз, Ўн беш ёшга қайтадан қайтиб, Маҳаллани айланар эдик, Айтмаган гапларни айтиб. Уйга кириб хурсандлигимдан, Эшикларни очиб тўрт ёққа, Жигарларим уйғотардим, "Ойим келди, турунг оёққа!" Атрофимда ўғлим, қизларим, Ақли расо ёрим парвона, Дўстларим кўп, кўп азизларим, Она, фақат Сиз йўқсиз, Она! Фатхулла ЭРГАШЕВ

Ҳаёт чивириву...

Ахир шу ҳовлини обод қиламан, деб раҳматли эрининг умри ўтганди. Иморатнинг ҳар бири тошида унинг бармоқ излари бор. Лекин айна пайтда нима ҳам қила оларди. Ахир бирин-кетин етилиб турган уч ўғилни уйлантириш керак, яна уларни бошпанали қилишнинг ўзи бўладими? Бу ишларни бирдангина бўлмаса-да, барибир баҳариш керак-ку, ахир. Ҳовли сотилса, анча мушкул өнгил бўлади. У фарзандлари билан кечган суҳбатни эслади. Ҳовлини сотиш ҳақидаги таклифи учала ўғлига, айниқса, тўнғичига ёқмади. Қошлари чимирилса-да, лекин онасига вазминлик билан сўзлади: — Отамнинг умидлар боғлаб, бизларни яйрасин дея бунёд этган шу ватанини сотишга кўзим қиймайди. Менимча, бундай қилиш биз учун уят бўлса ҳам керак. Укаларим оёққа тургунча ўзим қарашаман. Нима бўлсаям, ҳовлини сотмайлик. Ўртанчасига эса онанинг таклифи маъқул бўлгандек эди. Кенжаси катталарнинг суҳбатини жим тингларди... Ҳабиба аслида тўнғичининг орияти жунбушга келганидан манмун бўлса-да, уйлаб-уйлаб ҳовлини сотиш сўнги чора деган хулосага келди. Қолаверса, тўнғичи минг чиранмасин, укалари ўзини эплагунча қийналиб кетади. Устига-устак, ҳовли катта бўлсаям, уч оила бу ерга сиймайди, худо кўрсатмасин жигарлар "сан-ман"га бориб қолишам ҳеч гапмас. Хуллас, ҳовли сотиладиган бўлди. Харидорларнинг бири келиб, бири кетарди. Бир кун эрта тонг эшик кўнғироғи жиринглади. Эшик олдида кўликина жувон турарди. — Уйни сотишга эълон берган экансиз, — деди жувон шошилибгина. — Лекин, сал қимматроқ баҳолаб-сизларми, ками борми? — Булгани шу, ками йўқ, — деди Ҳабиба аёлни кўзларига тикилиб,

— кириб кўрасизми?

— Мен ҳозир бориб эримга айтаячи, — жувон уэр деган куйи кўча томон бурилди. Кўчада турган сут рангли башанг машинанинг ойнаси секингина пастлай бошлади. Майда гулли шифон куйлаклари аёлни қоматига бирам ярашган, қаққон одимлашадан

мана шу сизнинг уйингизга бошлаб келди-да. У менинг даллолим бўлади! Жувон эркакнинг бу гапларидан бир чўчиб тушди, таранг ёноқларига хижолатдан қизиллик югурди. Ҳабиба кимга нима дейишини билмай қаловланди. Аёлни боягина "эримдан сўрай-чи, эрим билади, эрим..." де-

ДАЛЛОЛНИНГ САВОБИ

Тонгда қушларнинг чуғур-чуғури Ҳабибани уйғотиб юборди. Рўмолини тимирскилаб топга, оҳиста ўрнидан кўзгалди. Ҳовлига чиққач япроқлари тонг шабабасида тебраниб турган дарахларга, турфа рангларда жиллолиниб турган атиргулларга кўзи тушиб, юра-гиди завоқ эмас, маъюслик туйди. "Шундай ҳовли-я, шундай ҳовли..."

ҳали ўрта ёшни қораламагани кўри-ниб турарди.

Бир сония ўтар-ўтмас машинанинг эшиклари очилиб, гавдали эркак киши виқор билан тушиб келди. Ҳабибанинг негадир энсаси қотди. Эркакнинг калондимовлиги, ўзи машинада ўтириб, ҳовли сотиб олиш-дема масъул ишга хотинини югурти-риб қўйганини тушунмади. Ҳабиба бундай вазиятларда аввало эрига суя-ниб иш қилиб ўрганганиданми, бу ҳолат унга жуда эриш, ҳатто гайри-оддий туйди.

Эр-хотин бирин-кетин ҳовлига кир-дилар. Ҳабиба одатдагидек ҳовли-жойини уларга кўрсата бошлади. Да-стлаб аёл билан галлашгани учунми ҳар гал унга юзланиб гапирди турди. Бирдан эркак асабийлашиб:

— Менга гапираверинг, мен хари-дорман, у эмас, — деди.

Ҳабиба бу гапнинг оҳангидан сап-чиб тушди, ялт этиб жувонга юзлан-ди. Жувон кўзларини бир нуктага қадаганча, лом-мим демади. Унинг итаоткор қиёфаси "эрим билади, унга гапиринг" деяётгандек эди.

— Бу аёл маклер, шунга яхшироқ ҳовли бўлса, айтмасиз дегандим,

ган сўзлари унинг қулоғида жаран-ларди.

Эркак эса ҳовли ҳақида яна алла-нималарни аёлга юзланиб гапирди. Ҳабиба улардан нари кетди, ҳовли ҳақидаги сўзларини ҳам эшитмади. Уларнинг ортидан эшикни ёпар экан, машинанинг аста жилганини кўрди. Ҳабиба унинг кетидан ялтоқланиб юриб бораётган аёлни кўраси кўздан йўқолгунча кузатиб турди. Шу тобда унинг кўз ўнгидан бутун ҳаёти оқиб ўтди. Раҳматли эри, фарзандла-ри билан ўтган бахтли кўнларини ёдлади. Бу хотиралар орасида ёлгон аралашган жойи йўқ, уларнинг ҳам-маси ҳовли билан боғлиқ эди.

"Бу аёл нима учун шундай деди экан?" деган савол Ҳабибага тинч-лик бермасди. Ўзича таҳлил ҳам қил-ди: балки у умри мобайнида бадав-лат, қолмабхо машинаси, басавлат кишининг хотини бўлиши, менки-дай ҳовлига харидор бўлиб келишни орзу қилгандир, балки буни катта бахт деб билгандир, балки ўзини шундай кўрсатиб мактангиси келган-дир. Шунинг учун... Лекин бу бадқо-воқ эркакнинг хотини бўлишни орзу қилишининг ўзи аҳмоқлик-ку. Калонди-

Ҳалима ЮСУПОВА

моғлигини-чи, бунинг. "Бу менинг даллолим" эмиш. Уларнинг бир-бирига ким бўлиши менга қизиқмиди? Бечорагина аёл, ёлгоннинг миси чикди-ку? Қизиқ, яна индамай ялтоқ-ланиб кетишини-чи, ўша бадқоқ-воққа...

Бирдан у ана шу кишининг ўз ҳов-лисида гердайиб юришини тасав-вур қилди. Раҳматли эрининг ме-хнати, қора тери сингган шу ҳовли-да-я. Шу дафъа унинг кўзига имо-рат солиш палласидаги жазирама кунда эрининг пешонасидан оқаёт-ган маржон терлар кўриниб кетди.

Эртаси тонгда эшик кўнғироғи жи-ринглади. Остонада тунов кунги ба-дқоқок эркак виқор тўкиб турарди. — Телефонингиз ишламаяптими дейман, — сўради у бироз аччиқлан-гандай, — ўзи ўйни сотиш ниятла-рингиз борми?

Ҳабиба харидорлар безовта қила-вергач, телефонни узиб қўйган эди. У учун ҳам қутилмаганда дадил жа-воб қайтарди:

— Нега ўшқирасиз, секинроқ га-пирсангиз ҳам бўлаверади-ку! Бундай ваҳоятни кутмаган эркак киши бирдан паст келиб, ҳатто уэр ҳам сўрагандай бўлди.

— Ўзи гапирингиз тоним шунақа, уэр, Кўп марта телефон қилдим, ҳеч жа-воби бўлавермагач, мана яна ўзим келдим. Майли сиз айтгандай бўла қолсин, айтганингизни бераман.

— Кечирасиз, вазият ўзгариб қол-ди. Биз болалар билан келишиб бир тўхтамаг келдик — уйни сотмайми! Ҳабиба ўзида тонган журъатдан суюниб кетди.

— Нима, унда нега овора қиласиз-лар эълон бериб! Нарҳини кўтарай-ми? — эркакнинг ранги қув ўчиб вай-саб кетди.

— Йўқ, уй сотилмайди, сотилади-ган уйлар кўп, бошқасини топинг! Ҳашаматли машина худди эгаси-нинг жиғибийрон қайфиятини ифо-далагандек бу сафар шитоб билан катта кўчага йўналди...



МАННАЖИМЛАР МАВЖИРИ

КҲЙ (21.03-21.04) Ушбу ҳафтада бошлиқ ва дўстларингиз билан бўладиган мулоқотларда сиздан дипломатлик, бирон-бир қарорга келишда эса босиқлик талаб этилади.

СИГИР(22.04-20.05) Айна кўнларда ҳушёр бўлишингиз максатда мувофиқ. Ўз манфаатлари йўлида сиздан воясита сифат-да фойдаланишларига йўл қўйманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06) Қонунни чеklang ўтишга уриниб ҳам кўрманг, айниқса, хорижий ҳамкорларингиз билан моддий масалаларни ҳал этишда. Ақс ҳолда катта зарар кўрасиз.

ҚИСҚИЧАКА (22.06-22.07) Мухим масалаларда хулоса чиқаришга шошилмаганингиз маъқул. Чунки шу кўнларда атрофингизда каллоб ва фирибгарлар кўп учрайди.

АРСЛОН (23.07-22.08) Тўғри қарор чиқариш ва ундабуронлик иш жойингиз ва оилангиздаги кўпгина муаммолардан сизни ҳалос этади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ортага чекинманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09) Анчагача сизни қийнаб юрадиган аф-сус-надоматларга ўрин қолдирмаслик учун ишқий муноса-батларда ўта эҳтиёт-кор бўлишга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10) Ҳар қандай музо-караларда иштирок этиш баробарида хар-катларингиз ва сўзла-рингизнинг каттиқ назорат қилинг. Сиздан жиддийлик талаб эти-лади.

ЧАЁН (23.10-22.11) Сиз учун ушбу кўн-ларда узоқ муноса-батларга киришиш яхши натижа бермай-ди. Ҳис-туйғуларингиз алданганидан қаттиқ иштиробда қолишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12) Дўстларингиз ўзларининг аҳмоқона ғоялари ҳамда режа-ларини сизга ҳам син-гдирингиз уринишди. Улар билан тортишиб ўтирманг, ақл билан иш тутсангиз қийфа.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01) Музокараларда катнашиш давомида атрофдагиларнинг маъсудларини аниқ билмагунча бирдан хулоса ясашга шо-шилманг, сиз кутма-ган ечимлар юз бери-ши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02) Уйда ва ишда ҳам-манинг олқишига са-зовор бўлишга арзий-диган бирон иш қилмайсиз. Шу боис ўзингизни ода-дгидек тутинг, ор-тиқча чиранманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03) Шу кўнларда кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни бироз кейинга қолди-риб туриш сиз учун онг мақбул йўл. Бу-нинг учун қулай фур-сат ҳали олдиди.

Фаслларга мослашнинг

ҚИШ ЧИЛЛАСИ ВА САЛОМАТЛИК

Қиш ҳавоси қирқ турли дейишади. Гоҳ ёмғир, гоҳ қор, совуқ, аммо бир қарасангиз кўш чарақлаган. Об-ҳавонинг бундай беқарорлиги инсон сиҳат-саломатлигига таъсир этмасдан қолмайди. Ҳуш, қиш пайтларида одамлар қандай касалликларга тез чалиниши мумкин ва унинг олдини олиш чоралари қандай?

Мазкур саволимизга тиббиёт фанлари номзоди Мурод НИЁЗМАТОВ шундай жавоб беради:

Қиш фаслида асосан шамоллаш, грип, юкори нафас йўлларининг яллиғланиши, тумов касалликлари кўпроқ учрайди. Айниқса, кексалар, сурункали хасталикларга дучор бўлган беморлар, ёш болалар ана шу касал-ликларга тез чалиниб, кўп азият чекадилар. Бундай инсонларда касаллик тарқатувчи виру-ли инфекция тез тарқалади. Бу ҳомиладор аёл-лар учун ҳавфли. Негаки, ҳомиладор аёл ор-ганизмига юккан вирус ҳомиланинг соғлом ри-вожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Сурункали ўпка касалликларига дучор бўлган беморлар қиш пайтида хийла қий-



наладилар. Қишда асосан болаларни совуқдан жуда эҳтиёт қилиш лозим. Бунинг учун ётиш олдида уларнинг кураклари, томоғи, тиззаларига қўчқорнинг эритилган думба ёғидан сур-каб, ишқаб, баданга сингдириб юбориш зарур. Ётиш олдида оёқларини иссиқ сувда бўғлаш ҳам фойдали. Кундузи қайнатилган ўрик суви-



дан бир неча бор иссиқ-иссиқ ичириш бола-ларнинг ички аъзолари ва томоғини шамол-лашдан сақлайди. Бу тадбирларни катталар учун ҳам қўласа бўлади. Ҳаракат бир марта ҳаммомда узоқ терлаш ҳам қишда соғлиқни сақловчи муҳим восита. Кучли оқатлар истеъ-моли киши керак. Лекин шундан кейин хотир-жамликка берилиб, телевизор ёнида узоқ то-моша кўриб, мусика тинглаб ёки кино томоша қилиб ётавериш ярамайди. Ҳаракат қилиш, очик ҳавода сайр қилиш лозим. Кўк пивёз, турп, ка-рам ва бошқа кўкатлар, балик, қуён, товۇқ гўштлари ва тухуми қондаги холестеринни тар-тибга солиб турувчи аминокислоталар кўп уч-райди. Чинкиш, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиш ҳам қишда шамоллаш ва бошқа касалликлардан асрайди.

Суратлар муаллифи Қадамбек ОТАЕВ.

Виждон азоби

БИРОВНИНГ ҲАКИ...

"...Бугунча шу етар. Бориға барақа. Ҳар иш-нинг ҳам меъёри яхши. Соғлиқни ҳам уйлаш керак. Ўзи бугун тиним бўлмади ҳисоб. Биров тушса, биров минди. Йўловчиға маҳтал бўлма-дим. Худого шукр, уларни ҳам маҳтал қилма-дим. Бугунги иш тамом! Машинани ҳам ювиб-тозалашим керак ҳали..." Шу ўйлар Алишернинг ҳайдалмоқчи бўлиб турувди, ҳовлиқиб бир киши келиб қолди. Терлаб кетибди. Нимадандир безовта. Синчиклаб қаради. Танимади.

— Мени танимадингиз шекилли. Мен сизнинг ол-дингизда умрбод уятли бир одамман. Мана, пулла-рингизни зиёди билан олиб келдим. Яна қанча деса-н-гиз бераман. Фақат мени кечиринг. Ўшанда мен но-мардлик қилгандим...

Алишернинг ёдига тушди. Бундан икки йил муқад-дам Урганч вокзалидан Чолиш посёлкасига олиб бо-риб қўйган бу кишини. Ярим тун. Ёмғир ёғиб тур-ган эди. Ўша кун ҳам кун бўйи тиним билмай ишлаб, энди уйга кетмоқчи бўлиб турганди. Бир йўловчи (қар-шисидоғи мана шу одам) онаси бетоблигини, агар етиб бормаса рози-ризолик сўролмай қолиши эҳти-моллигини айтиб ёлворди. Раҳми келиб, рози бўлди.

— Икки минг сўм берасиз, — деди Алишер. — Йўл ол-сиз. Бемаҳалда қайтишимда бу ёққа одам бўлмайди. Бензиннинг нарҳини эса ўзингиз биласиз.

Йўловчининг пули Алишер айтгандан анча кам экан, яна ёлборишга тушди.

— Майли, — деди Алишер, — бир савоб қилсак қилибмиз-да. Мен ҳозир мана бу буфетдан сигарета олиб чиқай...

Ўшанда бу киши фурсатдан фойдаланиб, галадон-даги кун бўйи ишлаб топан пулини олиб, гумдон бўлганди. Шунча вақт ўтиб, ўз оёғи билан келиб ту-рибди-я!

— Ўша воқеадан кейин менинг сира ишим юриш-мади, — деди "собик йўловчи". — Соғлигим ҳам яхши эмас. Якка-ёлғиз фарзандим эса...

У ортиқ гапиролмай, йиғлаб юборди. Алишер шу кимсани учратса, боғлаб таъзирини бериб хумордан чиқишга аҳд қилган бўлса-да, айна тобада унга раҳми келди. Беихтиёр ҳаёлидан "Бировнинг ҳақи — Тангри-нинг ўқи" деган ҳикмат ўтди. Ўзича "Ё, тавба!" деб қўйди.

— Майли, мен кечирдим. Лекин пулингиз керак эмас. Худого шукр, топиш-туттишим яхши. Ҳаётда ни-малар бўлмайди, дейсиз? Ўтган ишга саловот, — деди Алишер ҳамон унга ич ачиб.

— Йўқ, шу омонатни олмагунингизча кўнглим тин-чимайди! Мана, қаердан олган бўлсам, ўша ерга қўяман, — шундай дея бир боғлам пулни машина гала-донига тикиб қўйди нотаниш киши. Сўнг яна Алишер-га ёлворди:

— Барака топинг, мени астойдил кечирганингизни Полвон пир пойи қадамида ўз оғзингиз билан айтинг, кўнглимни тинчитинг, илтимос.

Алишер нимагадир уни хафа қилгиси келмади... Абдулла САФОВЕВ

Оаёбек таваллудининг 100 йиллиги олдуран

МИЛЛАТИМИЗ ФАҲРИ

жуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат юридик институти адабнинг яқинлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, академик Бахтиёр Назаров, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ўринбосари Мирпўлат Мирзо ва бошқалар Ойбекнинг ҳаёти ва ижо-дий фаолияти, унинг ижодидаги ўзига хос қирралар, адиб мероси-нинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўзлашди. Илғиллида таъкидланганидек, ўзбек адабиётининг дунёга тани-лишида Ойбек асарлари алоҳида ўрин тутади.

Advertisement for 'Аудио ва Видео кассеталар' (Audio and Video Cassettes) featuring a grid of cassette titles and a cartoon illustration of a man with a microphone.

2005 йилнинг 25 январида яшил рангли "Тисо"да унитиб қолдирилган "ORMON NE'MATLARI" ШИҒА тегишли бўлган ҳужжатларни муқофот эвазига қайтарилишини сўрайман. Тел:47-02-35

ООО "Video-Maniya", зарғистрированное в Юнус-Абдоком районе города Ташкента код (ОКПО 18816765, ОКОНХ 71280) ликвидировуется. Претензии принимаются в течении месяца по тел: 21-29-09.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 35-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Бердалиев Нурпеви Есеналиевич номига берилган О'Р-В 040245 рақами аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Чилонор туманидаги "SHOXAZIZ" хусусий фирмаси (ОКПО 18817204; ОКОН 71280) тугатилади. Давлолар ва аризалар икки ой мобай-нида қабул қилинади. Тел:119-14-79.

Утерянные подлинники исполнительных листов инкассовые поручения по Амударьинской РОИ, Наманганской обл. федерации футбола, выданные Ташгорсудом, на имя ДП "Кадрит Турон" и чековая книжка ДП "Кадрит Турон" считать не действительными.

Утерянный гос. ордер 09-01/6127 от 30.04.1993 г. выданный на имя Айтпакова Александр Владимировича о праве собственности на квартиру считать не действительным.

Тахрир хайъати:

- Аъзам ГАДОЙБОВЕВ, Ақмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Маълуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Тазнаберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва сақиланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.